

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ**

**ПАХТА СЕЛЕЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**НОҚУЛАЙ ОБ-ҲАВО ШАРОИТИДА ЧИГИТ ЭКИШ ВА ТЎЛИҚ
КЎЧАТ УНДИРИБ ОЛИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР**

ТАВСИЯЛАР

(Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти учун)



Тошкент – 2022 йил

Қирриш. “Ўзгидрометеорология” хизмати маркази маълумотларига кўра, жорий йил март ойида республиканинг барча ҳудудларида сўнгги ўн йилликда рўй бермаган сурункали ёғингарчиликлар кузатилиб, ойлик меъёрдан **3-4 баробар** юқори бўлди.

Бироқ, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида ёғингарчилик миқдори кўп йиллик меъёр атрофида бўлиб, ҳаво ҳарорати кўп йиллик ҳароратдан анча паст бўлди.

Бу эса ўз навбатида шўр ювилган майдонларда ерларнинг етилишининг ва чигит экиш муддатининг кечикишига олиб келмоқда.

Энг муҳими жорий йилда сув танқислиги оқибатида ушбу ҳудудларда тупроқ шўрини ювиш ишлари кечикмоқда.

Шунинг учун кластерлар ва фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳамда соҳа мутахассисларидан чигит экишда илм фан ютуқларига эътибор қаратиб, омилкорлик билан иш тутишлари талаб этилмоқда.

Ерларни чигит экишга тайёрлаш. Жорий йил шароитида кузда шудгор қилиниб шўри ювилган майдонлар баҳорда икки қаторли зиг-заг борона билан **8-10 см** чуқурликда бороналанади.

Сўнг фосфорли ўғитларнинг йиллик меъёридан **70 фоизи**, калий ўғитининг **50 фоизи** махсус мосламалар ёрдамида сепилиб, ерлар чизель-культиваторлар билан **25-30 см** чуқурликда ишланади.

Кузги шудгор қилинмасдан шўри ювиладиган майдонлар (*кучли даражада шўрланган, қум ва қумоқ, ботқоқлашиб бораётган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар*)да ер етилиши билан челлар текисланиб, минерал ўғитлар юқоридаги меъёрда сепилади ва икки ярусли плуглар ёрдамида **30-32 см** чуқурликда эрта баҳорда ҳайдалади.

Ушбу майдонлар ҳайдалгандан сўнг зах ва шўри қочгандан кейин (*бунга 5-10 кун ва ундан кўп муддат талаб қилиниши мумкин*), тезлик билан чизелланиб (*фақат механик таркиби оғир, ўтлоқи-аллювиал ёки ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар*), сўнг даланинг диагонали бўйича икки қаторли борона билан бороналанади. Механик таркиби енгил ва ўртача бўлган тупроқларда икки қатор енгил борона қилинади.

Оғир механик таркибга эга ўтлоқи-аллювиал, ўтлоқи-ботқоқ тупроқларда ерни экиш олдидан кечки соатларда кун чикқунга қадар тайёрлашга эришиш лозим. Акс ҳолда кундуз кунни бороналанган ёки чизелланганда ҳосил бўлган кесаклардан жуда тезлик билан нам буғланади, уларни кейинчалик майдалаб, майин тупроқ ҳосил қилиб бўлмайди.

Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий **Амударё, Беруний, Тўрткўл ва Эллиққалъа** туманлари ва Хоразм вилоятининг аксарият туманларида дала чизелланиб, бороналангандан сўнг, оғир мола билан кўндалангига икки марта мола босилади. Айрим далаларда ушбу тадбир **3-4 марта** ва ҳатто ундан кўп ўтказилиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикасининг **шимолӣ туманларида** ўтлоқи-ботқоқ, ўтлоқи-аллювиал, тақир ва ботқоқлашиб бораётган ботқоқ-ўтлоқи тупроқларда ер етилиши билан марза (чел) ва дамбалар текисланиб, сўнг

кўндалангига икки қаторли борона билан ишлов берилади. Бошқа агротехник тадбирлар жанубий туманлардагидек амалга оширилади.

Чигитни экишга тайёрлаш. Бу йилги шароитда чигитни экишга тайёрлаш жумладан, тукли чигитни намлаш ва димлаш ишларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Бунда, **1 тонна** чигитни намлаш учун **600 литргача** сув сарфланади. Чигитни намлаш ишлари олдиндан тайёрланган махсус майдончаларда ўтказилади. Чигитни намлаш вақтидаги қалинлигини **20-25 см** дан оширмаслик зарур. Намлаш 3 босқичда: дастлабки кунларда ҳар намлаш орасида чигит **3-4 соатдан димланиши керак бўлса, кунлар исиб бориши билан чигитни димлаш муддати 4-5 соат ва кейинчалик 5-6 соатга узайтирилади. Чигитни намлашда ҳар босқичда 200 литрдан сув сарфланса, чигитнинг тўлиқ ва сифатли намланишига эришилади.**

Жорий йилда тупроқда намлик юқорилигини инobatга олиб, тукли чигитни намлашда Узгуми (*0,7-0,8 л/м*), Биодукс (*2-3 мл/м*), Фитовак (*300-400 мл/м*) стимуляторлари билан ишлов бериш ёўзани илдиз чириш ва гоммоз касалликларига бардошлилигини оширади ва илдиз тизимини бақувват ривожлантиради.

Туксиз чигитлар уруғлик чигит тайёрлаш цехларида сараланиб, уруғдорилар билан дориланиб, экишга тайёрланади ва намланмасдан экилади. Шу ўринда туксиз чигитлар ёйилиб қуёш нурида **2-3 соат** қиздириб олинса, яхши самара беради.

Чигит экиш. Март ойида кузатилаётган сурункали ёғингарчиликлар чигитни оптимал муддатларда экиш ишларини бирмунча кечиктирмоқда. Бундай шароитда тупроқда мақбул намлик ва ҳарорат юзага келиши билан дарҳол чигит экиш ишларига киришиш ва қисқа муддатларда якунлаш лозим.

Бунда, чигит экишни биринчи навбатда механик таркиби енгил қум ва қумоқ тупроқли ерлардан бошлаш зарур.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий туманларида ва Хоразм вилоятида чигит экишнинг мақбул муддатлари **25 мартдан 10 апрелгача;**

Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида эса **30 мартдан 15 апрелгача** ҳисобланади. Бу муддат об-ҳавонинг келишига қараб **5-7 кун** эрта ёки кеч ўтказилиши мумкин.

Чунки, баҳорнинг илиқ кунларида чигит экиш ишлари бир кунга кечиктирилса тупроқнинг **1 см** даги намлиги, агар **3-4 кунга** кечиктирилса **3-4 см** қатламидаги намлик кўтарилиб (буғланиб) кетади.

Чигит экишда унинг меъёрига алоҳида аҳамият бериш керак. Тукли чигит гектарига **50-55 кг** экилса, туксиз чигитлар **25-30 кг** миқдорда экилади.

Агар чигит қўш қатор усулида экилса, якка қаторларга нисбатан **20-25%** кўпроқ уруғлик сарфланади.

Уруғлик чигитни экиш чуқурлиги механик таркиби оғир тупроқларда **3,0-3,5 см**, ўртача механик таркибли тупроқларда **3,5-4,0 см**, енгил тупроқларда **4-5 см** бўлиши ниҳолларни қисқа муддатларда тўлиқ ундириб олишда муҳим ўрин тутаяди.

Шунингдек, чигитнинг экиш чуқурлиги тупроқ намлигига ҳам боғлиқ бўлиб, намлик юқори бўлган жорий йилда чигит экиш чуқурлиги **3,0-3,5 см**, тупроқ намлиги пасайганда **5-6 см** чуқурликка экиш керак бўлади.

Чигит экиш билан бир вақтда гектарига соф ҳолда **15-20 кг** азот, **20-25 кг** фосфорли ўғитлар сеялкага ўрнатилган махсус мосламалар ёрдамида экиш чизиғидан **5-7 см** четга, **12-14 см** чуқурликка солинса, ниҳоллар дуркун ва соғлом ўсиб ривожланади.

Шунингдек, серёғин келган жорий йилда бегона ўтларни кўпайишини ҳисобга олиб, чигит экиш билан бирга бегона ўтларга қарши сеялкаларга ўрнатилган ПГС-2,4Б ва 3,6Б мосламаси ёрдамида Стомп (*0,8-1,0 л/га*), Которан (*1,2 кг/га*) гербицидлари сепилса, бегона ўтлар зарари камаяди, ортиқча чопиқ ишларини ўтказишга ҳожат қолмайди.

Ушбу минтақаларда чигит экиш тадбирида ғўзанинг Бухоро-102, Султон, Хоразм-150, Хоразм-127 навларидан бошлаш тавсия этилади.

Чигитни тўлиқ ундириб олиш. Бу йилги шароитда чигит экилгандан кейин ўртача ҳаво ҳарорати **15-16⁰С** ни ташкил этса, экилган чигитларнинг униб чиқиши чўзилиб кетади. Ўртача суткалик ҳарорат **23-25⁰С** атрофида бўлганда эса чигит жуда қисқа муддатда **7-8 кунда** ёппасига униб чиқади.

Чигит экилган кунидан бошлаб тўпланган самарали ҳарорат йиғиндиси **80-100⁰С** га тенг бўлганда тўлиқ униб чиқади.

Экиш мавсумини отряд усулида ташкил этиш, отрядларга бириктирилган механизатор ва ишчиларни махсус кийим бош, зарурий жиҳозлар билан таъминлаш ва уларга етарли шарт шароитлар яратиш иш самарадорлигини оширади.

Шунингдек, чигит экишга қулай имконият бўлиши билан тез ва қисқа муддатларда экиш ишларини сифатли амалга ошириш учун чигит экиш отрядларига бириктирилган барча техникалар, агрегатлар ва чигит экиш сеялкаларини дала шароитида шай ҳолда туриши шарт.

Шундан келиб чиқиб, март ойи серёғин келган жорий йилда чигит экиш графикларига қатъий амал қилган ҳолда мавсумни уюшқоқлик билан сифатли ташкил этиш, тўлиқ ва соғлом кўчат ундириб олиш, юзага келган муаммоларни зудлик билан бартараф этиш бўйича зарурий чораларни кўриш талаб этилади.

Ушбу тавсиянома Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан тайёрланди.

1. Равшанов
Аъзам Эркинович

ПСУЕАИТИ директори, к.х.ф.д.



2. Намозов
Шодмон Эргашевич

ПСУЕАИТИ директори
босари, к.х.ф.д., профессор

3. Камилов
Бахтиёр Султонович

ПСУЕАИТИ лаборатория мудири
к.х.ф.н.

4. Ниязалиев
Бегали Ирисалиевич

ПСУЕАИТИ лаборатория мудири,
к.х.ф.д., профессор

5. Жалолов Хуршидбек
Хуррам ўғли

ПСУЕАИТИ Илмий котиби,
к.х.ф.ф.д.